

**KOGON TUMANLARARO  
IQTISODIY SUDI**

200726, Kogon shahar,  
Qorovulbozor shox ko'chasi, 2-uy.



**КАГАНСКИЙ МЕЖРАЙОННЫЙ  
ЭКОНОМИЧЕСКИЙ СУД**

200726, город Казан,  
проспект Караулбазар, дом 2.

Tel: (0365) 52-4-63-18, Fax: (0365) 52-4-60-87, web site: [www.oliysud.uz](http://www.oliysud.uz), e.mail: [i.kogon@sud.uz](mailto:i.kogon@sud.uz)

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

2022 йил 26 январь Когон шаҳар 4-2002-2201/ [REDACTED] онли иш

Когон туманлараро иқтисодий судининг судьяси М.Болтаевнинг раислигида, М.Насуллоеванинг котиблигида, аризачининг вакили Ф.Сирожов (2022 йил 26 январдаги 23-04448-сонли ишончнома асосида), аризачи [REDACTED], жавобгар [REDACTED] " фермер хўжалигига нисбатан банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш тўғрисидаги аризаси бўйича ишни Когон туман давлат солиқ инспекцияси биносида очиқ сайёр суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

### а н и қ л а д и :

Аризачи [REDACTED] судга ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар " [REDACTED] " фермер хўжалигига нисбатан банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйишни сўраган.

Суд мажлисида иштирок этган аризачининг вакили аризадаги важларни такрорлаб, уни тўлиқ қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлисининг ўтказилиш вақти ва жойи тўғрида тегишли тартибда хабардор қилинган жавобгар вакили иштирокини таъминламади, иш юзасидан фикр билдирмади.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 220-моддасини қўллаб, ишни жавобгарнинг иштирокисиз кўришни лозим топди.

Суд, иш ҳужжатларини ўрганиб ва аризачи вакилининг тушунтиришларини эшитиб, қуйидаги асосларга кўра, аризачининг аризасини қаноатлантиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 81-моддасида солиқ тўловчининг ҳар бир солиқ тури ёки тўланган даромадлар бўйича ҳисоб-китобларни ва солиқдекларацияларини, шунингдек ҳисоб-китобларга ҳамда солиқ декларацияларига доир иловаларни ўз ичига оладиган, солиқ тўловчиларнинг ва солиқ агентларининг солиқ мажбуриятларини



аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қиладиган ҳужжатлари солиқ ҳисоботидир.

Солиқ ҳисоботи Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланадиган шаклларда тузилади.

Солиқ ҳисоботи солиқ органларига шахс фақат солиқ тўловчи деб эътироф этиладиган солиқлар бўйича тақдим этилади.

Ушбу кодекснинг 82-моддаси 1-қисмида солиқ ҳисоботи солиқ тўловчи ҳисобга олинган жойдаги солиқ органига белгиланган шаклда қоғоз ёки электрон шаклда ушбу Кодексга мувофиқ солиқ ҳисоботига илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар билан бирга тақдим этилиши белгиланган.

Аниқланишича, солиқ тўловчи сифатида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича солиқ ҳисоботини қонунда белгиланган тартибда тақдим этиши кўрсатилган бўлсада, белгиланган солиқ ҳисоботларини солиқ органини тақдим этмаган. Натижада, давлат солиқ бошқармаси хабарнома билан белгиланган солиқ ҳисоботларини ўз вақтида тақдим этиш бўйича мурожаат қилган.

Жавобгар солиқ ҳисоботини солиқ органига белгиланган муддатда тақдим этмаганлиги оқибатида солиқ органи томонидан солиқ тўловчининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни 10 кунлик муддатда тўхтатиб туриш ҳақида қарор қабул қилинган ва солиқ тўловчининг шахсий кабинетига электрон тартиба юборилган.

Қарор ижроси бўйича ҳам солиқ ҳисоботларни солиқ органига тақдим этилмаганлиги оқибатида, аризачи судга жавобгарга нисбатан ҳуқуқий таъсир чораси қўллаш тўғрисида ариза билан мурожаат қилган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекснинг 111-моддаси биринчи қисмида солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан ўн кундан кўп бўлмаган муддатга қабул қилиниши мумкин. Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг илтимосномасига асосан суд томонидан қабул қилиниши мумкинлиги кўрсатилган.

Иш суд мажлисида кўрилаётган кунга қадар, жавобгар “[REDACTED]” фермер хўжалиги томонидан солиқ ҳисоботлари тақдим этилмаган.

Ваҳоланки, Солиқ кодекси 273-моддасининг 1-қисмида солиқ тўловчилар, агар ушбу бобда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ ҳисоботини ўзлари солиқ ҳисобида турган жойдаги солиқ органларига ўтган солиқ давридан кейинги ойнинг йигирманчи кунидан кечиктирилмаган муддатда тақдим этишлари шартлиги кўрсатилган.



Шунга асосан суд, жавобгарга нисбатан ҳисобот тақдим этгунга қадар банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиш туришни лозим топди.

“Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 9-моддаси биринчи қисмининг 19-бандига кўра аризачи ва жавобгар — ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича иқтисодий судларда давлат божи тўлашдан озод қилинганлигини инобатга олиб, суд уни жавобгардан ундирмасликни лозим топди.

Баён этилганларга асосан, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 179, 222-моддаларини қўллаб суд,

### **қ а р о р   қ и л а д и :**

Арз қилинган талаб қаноатлантирилсин.

Жавобгар “[REDACTED]” фермер хўжалигининг банклардаги барча ҳисобварақлари бўйича барча чиқим операциялар (фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ биринчи навбатда кўрсатилган тўловларга, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирувга йўл қўйилмайдиган банклардаги ҳисобварақлар бундан мустасно) Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 111-моддасининг биринчи қисмига асосан жавобгар томонидан тегишли солиқ ҳисоботи тақдим этилгунга қадар тўхтатиб турилсин.

Ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб туришга сабаб бўлган ҳолатлар жавобгар “[REDACTED]” фермер хўжалиги томонидан тўлиқ бартараф этилгандан сўнг, давлат солиқ хизмати органининг тақдим этиладиган ёзма кўрсатма (қарор) асосида хизмат кўрсатувчи банк томонидан ҳисобварақлар бўйича операциялар тиклансин.

Мазкур ҳал қилув қароридан норози тараф шу суд орқали ўн кунлик муддат ичида апелляция шикоятни бериши мумкин.

**Судья**

**М.Болтаев**

